

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Ижтимоий-хукукий медиа
маркази” ННТ директори

Н.Аббосхонова

“Ижтимоий-хукукий медиа маркази” ННТ томонидан ижтимоий тармокларда хукукий-
сиёсий тусдаги қўлланмаларни ишлаб чишиш ва татбиқ этиш бўйича

SMM компаниялари томонилан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан бўён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни ва “Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат раками 3016, 26.05.2018 й.)га асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Ижтимоий-хукукий тусдаги махсус ижтимоий сахифаларда кенг қўлламдаги ишларни олиб бориш яъни 3 ой ичида 1 000 000 (бир миллион) кузатувчилар учун нашр қўлланмалар яратиш, ижтимоий сахифаларда татбик этиш ва уларнинг медиа режа (стратегия)ларини тузиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаш (бундан бўён матнда танлаш деб юритилади) ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматларнинг максимал нархи: **ҚҚС билан 341 000 000 (Уч юз қирқ бир миллион) сўм.**

Хизматлар учун энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид килиш ҳужжатларининг тижорат кисмида жойлашган талабларига биноан бажариш шарт.

Хизмат кўрсатиш муддати: **90 календар куни ичида.**

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

Ижтимоий-хукукий тусдаги махсус интернет сахифаларда кенг қўлламдаги ишларни олиб бориш яъни 3 ой ичида 1 000 000 (бир миллион) кузатувчилар учун нашр қўлланмалар яратиш, ижтимоий сахифаларда татбик этиш ва уларнинг медиа режа тузиш ва алока стратегиясини яратиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид килиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш ҳужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ижтимоий-хукукий медиа маркази нодавлат нотижорат ташкилоти;

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Навоий 11а

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Директор Н.Аббосхонова;

Тел.: (99) 858-44-21

3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид килиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар кабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолани мезонларини ва усусларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид килиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашини ўтказади, агар харид килиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлаши натижаларини хисобга олган холда карор кабул киласди;

зарур бўлганда баҳолани гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор кабул киласди;

харид килиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунга мувофиқ амалга оширади;

харид килиш тартиб-таомилларининг ракобатлашув турлари голибини ва зарур бўлганда захирадаги голибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади;

- Танлашнинг ташкилотчиси** – Ишчи гурух. Унинг вазифасига куйидагилар киради:
Танлаш хужжатларини ишлаб чикилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;
- танланаклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чикилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда ҳарид комиссиясининг вазифалари:

- иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини, таклифларни сифат ва нарх нуктаи назаридан ўрганади, тахлил қиласди ва кўриб чикади;
-энг яхши сифат ва нарх таклифини аниқлайди ва қарор қабул қиласди.

Иштирокчи – мулкчилик шаклидан катъий назар, энг яхши таклифларни танлаш бўйича ҳарид килиш хужжатлари талабларида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- факат Танлаш хужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш хукукига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш хукукига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблари

5.1. Иштирокчи таклифда қатнашиш учун e-tender.uzex.uz сайтида жойлаштирилган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш оркали иштирок этади.

5.2. Танлашга куйидаги иштирокчилар қўйилмайди:


- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун конуний хукукка эга бўлмаган;
- соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд бўлган;
- инсофисиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффишор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлмаган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

5.3. Ҳарид комиссияси иштирокчини ҳарид килиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

- у тўғрисида Инсофисиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд мавжуд бўлса;
- унда соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи ҳарид килиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат ҳаридлари жараённида Марказ томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул килинини ёки бирор-бир ҳарид килиш тартиб-таомилининг кўлланилишига таъсир ўтказини максадида давлат буюртмачисининг ёки бошка давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар кандай шаклдаги ҳакни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошка кимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф килса, берса ёки берингга розилик бўйдира;

иштирокчи ракобатга қарши харакатларни содир этса ёки конунчиликни бузган холда манфаатлар тўқнапувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилангандик ҳоллари аниқланса.



Харид комиссиясининг иштирокчини харид килиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги карори ва бунинг сабаблари харид килиш тартиб-таомиллари хакидаги хисоботга киритилади.

6. Танлаш доирасида хужжатларниң маҳфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади ҳамда танлаш тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганини учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш хужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчи унга берилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқини шарт.

7.2. Иштирокчиларнинг таклифлари танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

7.3. Танлаш хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш хужжатлари талабларига тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш хужжатларига аниқлик киритиши

8.1. Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш хужжатларига қандайdir аниқлик киритиши учун харид комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилинлари мумкин:

8.2. Харид комиссияси талағорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишининг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб берини шарт.

9. Танлаш хужжатларига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 2 кун олдин харид комиссиясининг қарорига мувофиқ талағорларга маълум қилингана ҳаклиdir.

III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашида қатнанини харажатлари

10.1. Танлашида иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрланши билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи таклифга барча харажатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташкири жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб берини (хизматларни кўреатини) мажбуриятларини охирiga етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган боскичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.



11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буортмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Талабгорнинг танловда катнашиш бўйича аризасини кабул қилишда автоматик равишда унинг танлов таклифлари тўғри тўлдирилгани текширилади.

Танлов таклифларини мезонлар бўйича баҳолашда танловда катнашиш шартларига риоя этилиши, танлов шартларида кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги текширилади.

Талабгор томонидан тақдим этилган танлов таклифлари тўғри тўлдирилмагани ёки талабларга риоя этилмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бу хакда унинг шахсий кабинетига электрон хабар юборилади.

13. Муқобил таклифлари

13.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

14. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

14.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига катъий риоя қилган холда муҳрлаши керак.

14.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини саклаши лозим.

14.3. Айрим холларда харид комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлантирилади.

V. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШТАРТИБИ

15. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

15.1. Харид комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

15.2. Танлаш таклифларини баҳолаш бир боскичдан иборат бўлиб, Танлаш ҳужжатларининг V-бобига мувофик иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

15.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришининг энг яхни шартларини таклиф килган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

15.4. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафакат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

15.5. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартибаомилининг исталган боскичида танлашида иштирок этишдан четлатишга ҳакли.

15.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

15.7. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича конунчилик асосида кўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб килинади.

15.8. Танлаш иштирокчиларнинг таклифларини молиявий баҳолани тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

15.9. Танлаш таклифларини караб чиқин муддати 10 кундан ошмайди.

15.10. Якун чикариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги карор харид комиссияси

томонидан кабул килинади. Голибни танлашда харид комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хуносасига асосланилади. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан кабул килинади.

Харид комиссиялари аъзоларидан иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилиган мажлиса ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу хақда баённомада кайд этилади.

15.11. Харид комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини кабул килиш ёки рад этиш хукукини ўзида олиб колади.

15.12. Харид комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва харид комиссияси раиси томонидан тасдикланиши керак.

15.13. Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушиган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушиганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор кабул килади.

15.14. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

15.15. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолани мезонлари:

Т/р	Мезонлар	Баҳолани	Изоҳ
1.	Етказиб берувчи шу турдаги камидаги 10та профессионал лойиҳалар амалга оширилганлиги.	максимал 10 балл	Лойхалар ўтказганлигини асословчи ҳужжатлар тақдим этса 10 балл, тақдим этмаса 0 балл
2	Штат жадвалида 10 дан кам бўлмаган мутахассислар мавжудлиги	Максимал 5 балл	Штатлар жадвалида 10 ёки ундан ортиқ мутахассисе бўлса 5 балл, бўлмаса 0 балл
3.	Етказиб берувчи ташкилот томонидан ишларни бажариш режаси (презентация)	максимал 10 балл	Ишларни бажариш режаси (презентация) ҳужжатлар тақдим этса 10 балл, тақдим этмаса 0 балл
Жами максимал балл		25 балл	

15.16. Минимал ўтиш балли **5 балл** деб белгилансин.

16. Таклифларнинг мос келмаслиги

16.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аникланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўргасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик киладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор кабул килиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўргасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у холда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик килади.

16.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танланган таклифларини харид комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

16.3. Танлашда иштирок этиши учун иштирокчи хукуки бошка юридик шахсга ўтказилишига йўл кўйилмайди.



- 16.4. Танлаш қуидаги холларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:
танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда факат
битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;
барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;
барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган
ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;
барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча
юкори бўлса;
танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф
олинмаган бўлса.
- 16.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан
бирон-бирининг мулкий ёки бошика жавобгарлигига олиб келмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

17. Шартномани расмийлаштириши

17.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан
шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда
тутилган шартлар асосида тузилади.

17.2. Танлашда ғолиб чикқан иштирокчи буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда шартномани
бажариш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи.

Захирадаги ғолиб – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклиф килган
иштирокчи.

17.3. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари
тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.e-tender.uzex.uz маҳсус порталида
эълон қилинган кундан бошлаб уч қун муддат ичida тузилади.

17.4. Ғолиб шартнома тузишини рад этган тақдирда унга закалат суммаси кайтариб
берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома
тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда
захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки
шартнома тузишини рад этиши мумкин.

17.5. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат
буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан
кечиктирмай жойлаштирилади.

18. Шартномани имзолаш

18.1. Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказини
натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, харид комиссияси томонидан ғолиб деб
топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

18.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера
олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзолатади.

18.3. Танлаш ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома
талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка
тортилади.

